



18 май 1944 йилда Қрим татарларининг депортацияси хотирасига Кайгу кунидир. Бутун бир халк — Қрим татарлари Москва ҳукуматининг буйруги билан ўз тарихий ватани — Қримдан бир неча кун ичида зўрлик билан кўчирилган фожиали воқеадир.

Депортация 1944 йил 18 майда бошланган ва бир неча кун давом этган. Қрим татарлари мол вагонларида Ўрта Осиё ва Сибирнинг узок ҳудудларига ташилган. Йўлда кўп минглаб одамлар очлик, чанкок, касалликлар ва катор шароитларнинг огирлиги туфайли халок бўлган. Омон колганлар эса ўзга юртларда огир турмуш шароитлари, камситиш ва ўнлаб йиллар давомида Қримга қайтиш тақиқига дуч келишган.

Кўпгина тарихчилар ва ҳуқук ҳимояси ташкилотлари Қрим татарларининг депортациясини геноцид акти деб тан олишади, чунки у халкнинг миллий ўзлиги ва маданиятини йўқ қилишга қаратилган эди.

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб Қрим татарлари депортация қурбонлари хотирасини ёд этадилар ва ўз ҳуқукларини тиклаш ҳамда маданиятларини сақлаб қолиш учун курашни давом эттирмоқдалар. Бу кунда қайгу ва бирдамлик белгиси сифатида хотира тадбирлари, митинглар ва дуолар ўтказилади.

Абу Муслим

